

R 496  
1968/3

ГУЛІСТОН

3 (15) • 1968

Экз  
№2





Чирманда жарангү..  
Қарс бада-банг,  
гүм,  
гүм...  
Доиралар бирдек беради садо...  
Оҳанги  
табассум,  
табассум..  
Табассум ҳеч бўлмасин адо.

Оналар мадҳи бу,  
Қизлар мадҳи бу,  
Күй оқар,  
таралар оламга,  
Ўғилнинг онага меҳри у,  
Меҳри у одамнинг  
одамга!

САИЕР.

R. 496

Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитети  
журнали



№ 15

март

1968

## УШБУ СОН

мазмунни

ГБ УАССР

Н

**Нисон магрут жарапглайди**

**Тилло ип жилолари**

**Бир отанинг бахти**

**Чўпон ўйлари**

**Шеърият шайдоларига**

**Санъаткор лауреатлар**

**Ўзбекистон ва хориж**

**Қизларимиз ижодидан**

**Иби Сино зилзила ҳақида**

**Шайхзодани эслаб**

**Мўйчинак**

Экз  
№ 2

## МУАЛЛИФЛАРИМИЗ

Ўйғун, Ойбек, Ҳ. Шамс, Луи Арагон, Омон Мухтор, Чўлпон, Музайяна Алавия, Шукур Холмирзаев, В. Барабаш, И. Эмиров, С. Безносов, М. Тўйчиев, Ф. Жўраева, Эҳтибор Охунова, Санобар Ҳасанова, Гулчехра Нуруллаева, Улуғбibi Қизларбекова, Еқут Раҳимова, Тоҷи Қораев, Расул Ҳамзатов, Тўхташ Ашурев, Ш. Шоисломов, М. Шайхзода, Озод Шарофиддинов, Ж. Собиров, Юсуф Шомансур, Невмат Аминов, Низом Комилов, Ж. Ҳўжақулов ва бошқалар.

Ойлик ижтимоий-сийёсий,  
адабий-бадиий безакли  
журнал

# Зулайхо бўлсанг

Ю. Шеманов музика  
Moderato

Ф. Садиков лирика

The musical score consists of two staves of music for voice and piano. The vocal part is in Russian, and the piano part has lyrics in Uzbek. The vocal part starts with 'Нега севмай' and continues through several stanzas. The piano part follows the vocal line, providing harmonic support.

Лирика:

Нега севмай нозанину тамонно бўлсанг,  
Ишқ ўтида ёнган қалбга тасалло бўлсанг.  
  
Не бўлғайки учрашганда бир қиё боқиб,  
Бу маҳлиё ошиғингга маҳлиё бўлсанг.  
  
Юлдузлар кўп, гул юзлар кўп, аммо на қилай,  
Қалбим аро фақат ўзинг жобажо бўлсанг.  
  
Нечун боқай кечалари самога мафтуни,  
Ёнимдаги ёниб турган сурайё бўлсанг.  
  
Бунчалар сен бўлмас эдинг парвойи палак,  
Ишқ дардига мен сингари мубтало бўлсанг.  
  
Муҳаббатда, садоқатда ёлғизман мен ҳам,  
Латофатда, назокатда сен танҳо бўлсанг.  
  
Илтифот эт, арзларимга қулоқ сол дилбар,  
Мен Юсуфман, агарда сен Зулайхо бўлсанг.

Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитетининг Бирлашган нашриёти

◆ Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Тошкент шаҳрида янги Ҳамза райони ташкил этилди.

◆ Республика миздаги машхур «Чорток» шифоноаси ВЦСПСнинг дипломига сазовор бўлди. Курорт аҳли бу мукофотни меҳнаткашларга тибий хизматни яхшилашда эришган ютуқлари учун олди.

◆ Тошкент—Жамбул ораглигидаги ярим автомат телефон алоқаси ўрнатилди.


◆ СССР Педагогика фанлари академиясига республикамиз олимларидан бир гурухи аъзо қилиб олиниди.

◆ Тошкент уй-рўзгор холодильниклари заводида «Воҳа» («Оазис») деган янги музлатгич тайёрлашга киришилди.

◆ «Жанубий Оламушук» нефть конида 1800 метр чуқурликда қазилган куудатдан нефть отилиб чиқди.

◆ Селекциончи С. С. Калмиков «Юбилейний» деган янги ёнғоқ наанин яратди. Бу мамлакатимизда ўтириладиган ёнғоқлар ичидаги энг мойли навдир.

## ГУЛИСТОН АҲБОРОТИ



Ушбу совитиш ускунасиз Тошкентдаги Чкалов номли холодильник заводида тайёрланти.

«Оазис» деб ном қўйилган холодильник ўзининг бежиримлиги, қулайлиги, кенглиги билан аввалиги «Восток-2м» холодильникдан фарқ қиласди.

— «Восток-2м» холодильниги аммиакли аралашма билан ишлаб, узлуксиз токка донмий уланиб қўйилиши шарт эди,—дейди корхона директори Иброҳим Тоҳиров.—У электр қувватини ҳар ойда 250 киловатт қўн сарфларди. Янги «Оазис» холодильниги ўтмишдошига қараганда тўрт марта кам электр қуввати сарфлайди ва компрессорда ишлайди. Терморегулятор ва реле холодильниги соювчи дараҷасини мұстадил сақлаб туради, ток автоматик тарзда ўзан узилиб, ўзан уланади. «Восток-2м»нинг ички ҳажми 65 литр бўлса, «Оазис»нинг деярли иккни барабар катта — 120 литрdir. «Оазис»нинг баҳоси 200—210 сўм туради.

К. БОБОЖОНОВ.

сумда 24 тонна пахта терганим учун беринди, деган едилар.

Шакархон опанинг ҳар йилги доврганини эшитиб, севинавердим. Чунки биз энди уни яхши таниймизда! Опаҳонимиз стахановчи териҳимичи бўлди. Москвага бориб янга орден тақиб келди. Кейин уни ўзи


бу энди, болем, техникининг шарофати...

Шакархон опанининг ўғиллари ҳам замонанинга мунособ ўқишишли, маълумотли кадрлар бўлиб этишибиди: катта ўғиллари Шарофиддин Мўминов қициш ҳужалик фандарин кандидати, Тошкентдаги Бутуниттифоқ ўсимликинча послик институтининг директори. Уртсанчси Шахобиддин Мўминов онасининг ишини давом этияргапти, колхоз раиси шу қишлоқда. Кенжаси Усмонжон Мўминов олий маълумотли агроном, касби ипакшиносига.

Тиниб-тинчимас Шакархон опанинг ҳали ҳам «бечим бақувват, қўзим ўтиш» деб енгли шимариди. Нишарапти. Бу йил гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» кутариши кўзлаяпти.

Ана шундай: Шакархон опанинг ўмрингин кечаги кунлари ҳам, бу гуни ҳам элиз-кортига содиқ меҳнаташ бир коммунистининг ибратли ҳаётига тенг.

М. БЕК.  
Кува.



ишилаштган колхозга ранслинка сайдиши.

Шакархон опа колхозга ўн бир йил раислик қанди. Колхоз ҳам бойиб кетди. Колхозчилар ҳам унинг ҳурматини жойига қўйилб. «опа-опа» деб тилдан қўйинчаласди. Партия ва ҳукуматиниз Шакархон опанин юксак мукофот — Ленин ордени билан тэқдирлади.

Орадан йиллар ўтиб, опаконинг пенсияга узатилганини ҳам эшитдим. Мехнатининг таги роҳат, деб шунга айтадилар-да. Шакархон опа кабилаларга кескалар фароригатни суриш гашти жуда жуда яратади да!

Ўтган йил кузда янга Қувага бордим. «Ленинзим» колхозида бўлганимда илоргарлар қаторидар. Шакархон опанинномин тилга олишида,

— Ахир у киши пенсиядаларку! — дедим.

— Яна далаға чиқдилар, унақа хотин ўйда тек ўғира олармиди? — деб явоб беринди.

Унинг даласига, 67 ўши бригадир Шакархон опа Мўминованинг даласига йўл олдим. Или учрашувда мен — бола, опакон — ёшина чиройли жувон эди. Мана орадан йигирма йилдан ортиг вафт ўтишибди... Ву сафар ариқ ёғиндаги катта тут тагиди, юзлари ажини тўлгас, кисис қўзлари тыйрак, панижалари пай бўлиб кетган басалат онаконни кўрдим.

Сўнг опа билан бирга дала айландик, анча сухбатлашцандик...

— У йиллар, — деб Улуг Ватан уруши даврларини хотирлайди опаконимиз, — ҳўйлагимиз камкүват колхоз эди. Бор куч 30 та чолу, 70 та хотин-қиз эди. Ҳамма йигитлар фронтда. Осмон узоғ, ер каттиқ, деганлариден кетмопланбаб ер чопиб, зовур коялаб, капир билан чигит экиб, 300 тонна хосил қўттарердик Энди-чи, энди, бригадамизнинг ўзигина бултур 320 тонна пахта топширади. 4 октябрда план бўйарнилиб, байрамгача 150 процент бўлди. Албатта,

## ШАКАРХОН ОПАШИЗ

Иўк эдик, ўн бўлдик, кейин юз,  
Қарабисиз-ки, ҳадемай минг бўламиш.  
(Чеварлар сұхбатидан).

Бухоро деганда, минг йиллик жаҳон маданийти кошонасига панжак уриб, учмас из қолдирган авлодларимиз руҳи кўз олдимизга келди. Бухоро деганда, буюн Москвамиз хона-донларига ҳарорат берган, Уралнинг гигант заводларини юргизаётган зангори оловимиз ёдга тушади. Бухоро олтинчи?! Камалакнинг етти хил ранги жилвалсангиз қоракул мўйнасанни айтинг! Тиллодан сайсал берилиб, чонлари кумуш билан тикилаётган зардўз кашталарни нўрган кишининг кўзлари қамашади. Эҳ-а, хазиналар кони, пир-бадавлат бўлётгандан бугунги Бухоро кўринни ҳар қанча тавсифласа арайди. Бу гал биз Бухоро зардўзчилари ҳа-цида сўзлайлини.

Зардўзлик тарихи қанчалик узоқ бўлса, ҳи-коя қўймоқчи бўлган фабрика тарихи шунчалик қисса. Бухоронинг сўнгги амири Олимхон салтанатини безаш учун бу иш билан фақат эркаилар шутгуланган. Бахт қўёши бал-циб чиққач, дастлаб ана шу зардўзчилар уюшмасида артель ташкил қилинди. 1928 йилда иккни артель ва чакана устайлар бирлаштирилиб фабрикага айлантирилди. Ҳозенистонда ягона бу зардўзлик корхонасида ҳамон хотин-қизлар йўқ эди.

Орадан ўн йил ўтгач, кўялам ойларининг баҳтили бир кунида корхона ҳаётида катта ўзгариш бўлди. Баварарига ўнта аёл фабрика қуҷогига дадин кириб нелиниди. Улар Пўлатой Ҳакимова, Шамисон Аллаевалар эди. Ҳозир уларнинг кўпчалиги кексалини фарагатиди. Чеварлар онажони (цеҳдошли шундай дебишар экан) Нусратбibi эса кўйидан инганини туширмай, ҳамон дўлти тикимодан. Биринчи суратдаги кўзойнанли нуроний онажон—Нусратбibi Сайфиева. Қарийб ўттиз йилдан бўён заршунос. Пай бўлб қетган панжалар ҳали қанкон, еттига кўзойнанки «толнистриган», кўпни кўрган кўзлари ҳали ўткери...

1. Зардўзчилар опахони Нусратбibi Сайфиева.

2. Коммунистик меҳнат зарбдори Тамараҳон Файбуллаева.

3. Энг ёш шотигрд Фарогат Жўраева.  
И. ЛАЗАРЕВ расмлари.

# Бухоро зардўзлари

Бугун фабрика қучоги қизлар билан бир олами гуллистон. Цехга кирган нишининг олтин, нумуш, зоррин кашта гуллари огушида кўзлари қамашади. Қенг, озода саҳн Ильч нурлар билан чароғон. Дарчалар тоҳасига қўйилган ранго-ранг гуллар гўё қизлар каштасидан нур оләтгандай. Қизлар, аввой гуллар, зоркашта нурларнинг турли товланини ажаб манзара наеб этади.

Ҳамроҳимиз фабрика директори Робия Раҳматова ҳозир чеварларнинг ҳаммаси хотин-қизлар эканини айтди. Кейин ўз чеварлари билан фахрлангандай, Тамараҳон Файбуллаева, Раҳимахон Қулдушева, Муяссархон Темирова, Робиҳиян Имомова, Матлабхон Жалилова, Муслимахон Ғуломвалор билан танишилди. Қа-ранг-ни, улар кўзойнан гилофига, дўлпига, нимчага жамони нобай наштапларга ўзлари гул чизиб, безак танлаб, нусха яслаб, ўзлари ти-кар ғизнлар. Зардўзи чеваргина эмас, балки дилбарларнинг ҳар бирни ҳам ижодкор, ҳам рассом, ҳам амалда ратувчи ажойиб истеъ-дод соҳибалари. Улар бу ота касбни мақтабда ўрганишган эмас, шу ерда шотигрд манзара олишган.

Ленин нишонидан зардўзчи Маҳсума Аҳмедова чеварлар даврасидаги ҳам устоз, ҳам фаол ихтирочи. У ўн ийл муқаддам «Ҳосил тўй» сўзанасини яратиб, катта обурғозонган эди. «Ўзбекистон пахтаси» деб номланган зардўзлини ва иккни томонидаги пахта чаноги аник эттирилиб, «50 йиллик» деб ёзилган кўзойнан гило-фи каби бадиий беззали кашталарни ҳам ўт-ган йили юнонга бахоланди. Ижодкорининг ўш шогирди Муяссархон Темирова ҳам курсанд. У, бир групга рассомлар уюшмаси яратган «СОВЕТ ДАВЛАТИГА ШОН-ШАРАФЛАР» деб номланган сўзанани тикиниша қатнашиди.

Самарқанднинг  
2500 йиллиги  
олдидан

Самарқанд кўчалари ёзда ҳам, қишида ҳам бир хилда гавжум, Айниска Регистон майдони.

Бу кўхна шахарга келган жа-мики одам Регистонга сормай, у ердаги мечмурлик санъат дурдо-налар сеҳрига маҳлиб бўлмай кетмаса керак. Мен ҳар сафар Самарқандга борганимда Регистонни сукутда айланисидан, унинг кўпни кўрган остоналарини зиб-рат қилишдан ўзимни тиёлмайман.

Бугун ҳам тарки одат амри маҳол.

Атрофимда ўз юмушларига шошиб бораётган эру аёл, мақтаб талабасини, китоб қўлтицлаган ўс-мир қимир-қимир ўтиб туришибди. Дунёнинг турил элларидан келган турли кийимдаги, турил тилда сўзловчи қора-қура сайнёхлар мадраса кошинларидан кўз узолмайдилар.

Регистон. Шу мен турган жойда сон мингта яхши-ёмоннинг қадам изи қолмаганимкин? Балки Искандар Зулқарнай худди шу ерда отдан тушгандир? Балки Чингизхон ўзи кунғанякун қилган Афросиёб вайроналарини шу ерда туриб томошга қўлгандир? Эҳтимол, Амир Темуринг қадам излари бордир бу ерда? Эҳтимол, Темур хузурига келган испан авл-чиши шу жойда кутуб олингандир? Балки Мир Алишер Навоий шу

## Мегистонда учбашув

Рустам РАҲМОН



Бұхоро зардұзчилари тинкән зарнашталар  
бүгүн олам көзпіті. Зардұзлик фабрикасы  
маңсулотлари бугун Итифоқимиздан ташқары  
Руминия, Болгария, Испания, Бразилия нағыз  
хөрмек мамлекаттарға етіб борылты. Канада  
деген «ЭКСПО-67» жаңо нұргазмасыда бу  
корхона үн етті хил зардұзлик нашталары  
блан қатнашды. Булар ҳаммаси кичик фабрика  
учун жуда катта обрү.

\* \* \*

Корхона шұхраты ва юнсанлишини белгілови-  
чи яна бир томон бор. Бу — ағыл сифатлы  
маңсулот тайёлраш, хом ашё сарфлашда тे-  
жамкорликника зәғ булиш ва күп фойда кү-  
ришандын бордатыр. Ишлаб чындаршыннан бу  
тәрмоқлары бүйін мұваффақиятта эриши-  
нинг эң күлай йүлі — ишни ташкин этиш ва  
модай разбатлантиришнинг янги системасы  
үтінди.

Ишлаб чындаршының үшшіріш бүлгімнің  
бошлиғы Е. Н. Петрашенко бу ҳаңда шошил-  
май, хисобини толық қуындағыларның айтды:

— Иллиник планын мұздатып үн иккіншін  
олдин аді эттік. Құшимча 29 мінг сүмлік  
иш башкарды. Ұч бир ойда 28 килограмм  
соғ ілап, 690 грамм олтін ранг, 800 грамм  
нұмуш ранг қатын иш 24 метр бағмал, 17  
метр сатын текжалды. Текжамкорлик құшимча  
бойын дегалариңден, 25 мингу 600 сүм соғ  
фойда күрдік. Бу натижалар мұлжалланған-  
нан аңа ортىқ. Ұтган йылғы мұваффақи-  
яттар учун колективтік «Москвич» енгіл  
автомашина билан мұнодотланды.

Заршунослик фабрикасыннан истиңболи яна  
ҳам қуонарлы. Бу ҳаңда партия ташнилти-  
нинг секретары Үгілой Қобиев ҳиком қылды:

— Миллий меморлық ассоциация шағын гүл-  
лары акс эттік янғы бино қурилды. Давлат  
план комитеті лойханын тасдиқлабы. Ұтмиш-  
да бирорта хотин-қызы ишламаган корхонамыз-  
нинг бүгүншін вә көләжеге ана шундай...

Юзлаб зардұзчи қызлар наштасыда заррин  
нұралып жилоланыпты. Суратда иштап билан  
оху құларынан яширип түрган иззінегінің  
чеварлар дәврасында көліп, иш бошлады. Жыны  
йилларда Фарогат Жұраевага үшшаш қызлар  
миннега етады. Фабрика көнгәнді, довруғи яна-  
да төг-онеңнелар оша оламга кетады.

Бекмирза МАХМУДОВ.

# „Гулистон“НИНГ келаси СОНІ

## буюк доҳийларимиз

# КАРЛ МАРКСНИНГ 150 ЙИЛЛИГИ, В. И. ЛЕНИН ТУГИЛГАН САНАГА

## ҳамда

# Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати үн кунлигига бағишли наади

заминдан үтіб борағын, үлмас  
ғазал түңігандыр! Бобоси салта-  
натыннан еміриләттандын аф-  
суланған Бобир Самарқандын  
ташлаб кетаёттандында шу жойда  
бір зұм тұтқатандыр? Валки  
Ұлуг Іннилод күнларда мазмұн-  
ларға әркін оліб келтіп азиз ин-  
сонларынан қоюн түңілгандыр бу-  
ерға? Ҳа, бу дарғозынға ҳар бір  
қарын қары, ҳар миссөл түрлөрги  
табару!

Самарқандың 2500 йиллиң тү-  
йін бўлуди. Бу — үтмиш шұхраты  
түйінинә эмас, ҳозирги чароғон  
хәтт вә көлажак раңғында түйін-  
дир. Агар ҳозирги фарсовын түр-  
муш ва еркін ҳәтт бўлмаганинда  
унинг 2500 йиллиң түйін бўларми-  
ди, бундай түй аршарманди!

Регистон майдондан күнгілары  
безакларга, минг туман турланау-  
чи кошниншар түйімай боқцаптим-  
да хәйлимдан шу үйлар кечди.

Шу топда самарқандлар бирор  
нотаншын гапта тутиш ҳохиши  
пайдо бўлди. Қимми тұтхатасам  
әңан? Сават тұла Пұлтың понни  
бошиға қўйнб бораёттган мўйлов-  
ли кишиним? Е аваң қор-  
жакожи сумынин осилтириб, ас-  
фальтиң дүққалығын кетаёттанды-  
шынан? Е тұтқаб түр-  
гандың шоферини гапта туғ-  
тасмы? Ҳу очын қавода кабоб  
елпістің ғынгитдан аңча-мұнчы-  
ғап чиңса керак?

Шу пайт ўрта бўйли, биңкі  
мўйсағид киприклири узун непа-  
расини етаклаб үтіб қолди. Ал-  
лақандай илник билан қараган  
әдім, ота жилмайды. Бу табассум  
күнгілмидаги андишани өртиб  
юборди.

Салом бердим. Алик олди. Қул  
узатиб сўрашдик. Муддаоми айт-  
дым. Ҳибондайди таҳта курсига  
бориб үтиридик.

— Сиз надимига гапларни айт-  
псиз, — деди янғы танишым. —  
Мен әллик йиллинин бербіндиғи  
ишиларнинг ҳаммасын кўрганман.  
Регистонға Ыннилоб байропни  
тиңнинганде ғынгига әдім, Ленин  
ўлганды мотамда ғынгилгиз тұмо-  
нат одамни кўргамасын. Регис-  
тонда Қалиниң ваяз айтған. Ин-  
тигитаримизни урушға шу ердан  
жүнгіттеганым. Галаба үнүн натта  
сайлии Самарқанд үмрида кўр-  
малан бўлса керак... Шулақа, Регис-  
тон кўн ишиларга шоҳид бўлган...

— Буниси яхши, албатта, — дед-  
им отаны ранжитмаслиққа тири-  
шиб. — Ленин ҳозир ахвол қана-  
қа? Қандай яшалысизлар? Түрмуш  
ларинғиздан розимисизлар?

Ота алт қаради. Ўзбекчани  
яхши биладиган хорижий әдам  
деб үйлади шекиши. Мен бўлсан,  
бояғидай қибфамиш үзгартмай  
турардым. Ота бирлас мұлохаза  
қилиб түргач, яна сұхбатта ту-  
танды:

— Ҳудди билмагандай сўрай-  
сиз-а, ўғлим. Қандай яшаёттани-  
миз аён-ку. Мана мени олинг. Но-  
мим — Ҳатам, фамилия — Сами-  
боев. Катта ишларда ишлаганман.  
Ҳозир шаҳарда яшасам ҳам бир  
вакытлар қишлоқ кўжални соҳзала-  
рида хизмат қилғанман. Мана  
әнди кенсағиб қодым. Емон умр  
кечтирмадым. Түрмушидан мам-  
нуман. Болаларнинг онаси ҳам  
хәйтадан рози.

— Болаларнинг бордир?  
— Невараларнинг ўзидан үн  
бешта.

— Ўх-хў! Нечта фарзанддан  
бу неваралар?

— Бештасидан.  
— Ҳаммаси ишласса керак.

— Шу кунда ким ишламайди.  
ишилайди-да.

— Қўришисасам ҳам таништи-  
ринг уларни.

Отанинг юзіде баҳт балқиди.

— Фараандарым ҳаммаси оқыл  
боловлар чиңди. Катта ўғлим  
Маттиуб Самибоев Самарқанд ме-  
дицина институтыда доцент, ме-  
дицина факултетінде кандидат. Ке-  
линим Шарқиқон — биолог, ўрта  
мактабда даре беради. Уларнинг  
қизи Шоирахон неварам институт-  
тада үкитүнти. Яна бир ўғлим  
Ким Самибоев — тарих факултетінде  
кандидат. Оиласын Кимхөн —  
үкитүнчи. Булардан етти неварар-  
мад. Шавкат ҳам кандидат. Шу

ердаги Кооператив институтыда  
доцент. Келиним Норияхон ҳам  
кубви ишлаб жойда дарс беради.  
Қизим Кутфияхон университет-  
тада үкитүнчи, биология фанла-  
ри кандидати. Куёвим Абдухағиз  
Одилов тарихчи. Ненек Үгілім  
Хуршид Самибоев Душанбада фал-  
сафада диссертация тайёрлади.  
Қаллиги Мунирахон институтда  
ишилаетті.

Кутимаган бу ҳикоядан ҳай-  
рон әдім. Ахир, мен бу одамни  
танилаб, тұтқатадым. Ұзи дүч қе-  
либ қолди. Әхтимол, болғы бақа-  
лоқ опада ҳам бундан кизиқроқ  
ҳикою әштаратдым? Сават тұла  
Пұлтың иштаптадын мўйлови  
киши ҳам мен әштимаган янги  
бир воқеани бағындырып! Такси  
шофери билан танишгандыма бал-  
ки ән дафтарым тағын бир ҳа-  
тий мавзуга бойирді?

Ҳатам ота Самибоев мени үйи-  
га тасліф етди.

— Қайси кўчада турасиз? Вал-  
ки кеңиурин кирадарман, — дедим.  
— Марҳамат, мес Озод кўча,  
3-үнда турамиз.

Озод кўча, 3-үй.

Тұргы! Ҳудди түрги, отахон!  
Сиз чиндан ҳам озод кўчада ис-  
тиқомат қиласын. Озод кўчада  
нама, озод шахарда, озод ре-  
спубликада, озод мамлекатда  
яшайсиз. Шунинг учун ҳам ҳа-  
тийніздан мамнуснис.

ОИБЕК

## Хурматим чексиз

Мен эндигина адабиёт йўлига кириб, шоир бўлишга уринганимда, гўё машъал наби ёритиб, ҳаётимга Горький кириб келди. Узим хийла улгайган, бўйим ҷозиган бўлиб, техникимда ўқир эдим. Рус тилини яхши билмаганимдан қийналсан ҳам Горький асарларини ўқидим. Муаллимларимнинг кўпчилиги рус эди, уларнинг ёрдами билан рус адабиётини ўргана бошладим. Биринчи гапда машҳур «Лочин ҳақида қўшиқнинг ўрганиб, минг азоб, лекин мұхаббат билан суюнб таржима қандид. У тахминан 1926 йилда «Ер юзига журналида босилиб чиқди. Уша вақтда мен Урта Осиё давлат университетининг студенти эдим. Мактабларда дарсим кўп, иш кўп, лекин узоғи нечалари ўйкунис ўтириб, Горький асарларига берилардим. Шамма билан ўқидим, ўрганардим. Горький асарларини мунаммал ўрганиб, ҳазим этдим, сингидирдим ва Горькийнинг асарлари хизинасидан олган сабоңларим ёрдами ила ўзим проза соҳасида йўл топдим. «Кутлуғ қон», «Навоний», «Олтин водидан шабадалар» асарларимни яратдим...

Х. ШАМС

## Мен унинг уйида бўлдим

Мен Максим Горькийнинг асарларини ўқиб, шундай буюк ёзувчи билан гаплаша оларникимдан деб умид қилардим. Лекин кўриша олишимга ҳеч ишонмас эдим. Унинг асарларини ўқиганимда унда бўлган санъаткорликка ҳавасини келарди. Уйлардимни, шундай буюк бир ёзувчининг хузурида бўлиши, у билан гаплашиш нуда қийнайдир деб. 1934 йилда уни ёзувчилар курултойин очиш вақтида биринчи кўрдим. Уйига борганимиздан менга шундай туюлдикки, гўё ўлиб кетган отам тирилиб келгандай бўлди. Унинг содда, меҳрибон гаплари ҳамма вакилларга ҳам баబаравэр эди. Бизнинг ўйин ва ашуларимизга қўшилди турди. Мен бу учрашувини унутмайман.

Мен унинг «Она» асарини иккى қайт яшаб чиқдим. Бу асар ўқиши жуда ўнгай бўлиши ва тарихий фантларни яхши беришдан ташкари, менинг ўзимига қандай қилиб ёзиш кераклигини яхши ўтрагати.

Мен «Хукук» романини ёзганимда, «Она»дан кўп нарса ўргандим.

«Қизил Узбекистон», 20 июнь 1936.



М. ГОРЬКИЙ

Кимки бизда мутахассисларинг аччиқ ҳазиллари, мухбирларининг таҳқиқлари, таги бўш асослар, заминисиз ишончлар ёрдамида биладигани янги ва улкан бу цитвага — Совет адабиётига яқинлашишини истаса ва унинг рағиба-тили, «фото суратлар» каби мунгли вайроналар устида қураётган янги воқеелигининг қўйдан бошланганини ҳам тушуниши истаса, у аввало ишни Горькийдан бошлашиб керак.

Луи АРАГОН.

Ишчиларнинг Биринчи Майни байран қиммоққа чақиргандар ваарақлари ҳар кечада дэярли деворларга ёпишитирилар, улар ҳатто полиция эшикларида ҳам кўриниб қолар, фабрикадан бўлса уларни ҳар кун дэярли топиб турардилар. Эрталаб полиццийчилар сўқина-сўқина ишчилар маҳалласини айланнисхар, деворлардаги гунафша раигли қоғозларни ўтиргиб ва қирқиб ташлар, тушга бориб у қоғозлар ўтканичиларинг оёқлари остида пиррираб, кўчаларда яна умомқош бошлар эди.

Шаҳардан жосусларни юборганилар, улар бурчак-бурчакда туриб олишиб, ўзаро шодланишиб ва жонли-жонли сўзланишиб, фабрикадан ошхонага ва ундан яна фабрикага ўтгаётган ишчиларни кўздан кечирадилар. Полициянинг оқизилигини кўриб ҳамма хурсанд бўлар, ҳатто кекса ишчилар ҳам кулишиб бир-бирапирига:

— Нима қилаётirлар-а? — дейишар эди.

Хар ерда одамлар тўпланишиб, тўлқинга содувчи ҷақрикни қизғин-қизғин музоқа-

ра қиласидилар. Турмуш қайнаган, у бу кўклямда ҳаммани қизиқтиратган бўлган, ҳаммага ҳам аллақаидай енгиллик келтириган, баъзиларга — «ишбузарлар»ни аччиқ-аччиқ сўқиб, тажхангламоқ учун яна бир баҳона, баъзиларга эса даҳшатли ҳаян ва умид. Яна баъзиларга — улар озчилик — ҳаммани ўйғотаётган кучнинг ўзларидан иборат эканини идорок килишдан келган ўтириб ёшилди.

Павел билан Андрей кечаларидан ухламас эдилар, десак мумкин. Иккакаси ҳам гудокка якин чарчалас, овозлари бигланган, ранглари оқарган ҳолда ўйларнинг қайтар эдилар. Она уларнинг кечаларни ўрмонда, заҳ ерларда мажлис қурганларини билар, маҳалла теграсида кечаларни отли полицияларнинг бил нарса ахтариб юрганлари, жосусларнинг ўрмалашиди қолганлари, баъзи бир ишчиларни тутиб ахтаргандарли, тўдаланган одамларни тарқатганлари ва баъзан унинг буни қамоқца олганлари унга маълум эди. Ўз ўзининг ҳам Андрей билан бирга ҳар кечада қамоқца оли-

ниши мумкин эканлигини пайқаб, ана шу нарсани ўзи ҳам хоҳлагандай бўлар, бу иш унга уларнинг ўзлари учун хайриятли бўлиб қўйиран эди.

... Мана кўпдан кутилган кун — Биринчи Май ҳам келди.

Гудок бурунгидай талабгорларча ва амирларча ўкирди. Бутун кечада бир нафас ҳам кўзини юммай чиқдан она иргиб ўрнидан турди, оқшомдан тайёрланиб қўйилган ўтни самоварга ташлади, бурунгидай ўғли билан Андрей ётган ўйнинг эшигини қўмоқчи бўлди, лекин бироз ўйлағага, кўл силгатди ва худди тишлари оғриган кишидай қўлини бетига

кўйиб, дераза ёнига ўтириди... Оқин-оғ кўк осмон бўйлаб, бугнинг шовинилга ўқиришидан чўчиб утган матта қўшлардай енгилтак оқ булултарнинг оқ ва қизғиши галалари шошиб-пичиши сузине борадилар. Она булултарга қараб, ўз кўнглини тинглар эди. Шу топда унинг боши оғирлашган, кечаси ухламай, мудраб чиқдан кўзларни эса қовжирб ётари. Кўкрагида ажаб бир тинчлик бор, юраги бир текис ўрмоқда, ўзи оддий нарсалар тўғрисида ўйланарди...

«Самоварни ёттароқ қўйдин, қайнаф тамом бўлди да! Майли, улар бугун узоқроқ

М. ГОРЬКИЙ

## Биринчи Май

(«Она»дан парча)

Илья Артамонов деган одам бўларин. У — баҳдабат, ўзига ишонгани, ёвуз ва ўқтамни киши. У мудроқ бир шаҳарчани ўйғотади, бу ерда фабрика қурдиради, ўз ҳуқмини ўтиказиб, ўзининг ҳоиммилиги нисбатта бошлайди. Унинг Пётр ва Никита деган инни ўғли ва бора килиб олган Алексей исмли хинни бор.

Илья каштанон дарахтга ўхшайди, болалари эса унинг илдизлари. У, болалари ҳам ўзидан дарахт бўлишини истайди, лекин у кулап тушгандан кейин, болалари ҳам унинг издан чириб кетадилар.

Нинита асани Пётрнинг хотинини яхши кўриб қолади. У ўзини ўлдиришга қада қиласди. Оқибат, «гуноҳлар эвазига худога ёланориш» учун монастирга жўнайди. Ичидаги худога унча эътиқоди ҳам бўлмаган бу майб, букир одам «худоқийлар хонадонидаги ўлиб кетади.

Алекен юшоини умр ўтиказади, кўнгисдан бир кечаси узилади.

Пётр осойишта яшамоқчи бўлади. Тез орада ичинлинина мұнисида тушибди. Зинаидаги деган бузук хотин билан дон олишади. Умри ўтага, ҳәйти бемалти ўтгандан тутикастади. Тажхирли бир ҳолатда до бўлади...

«Артамоновлар иши» китоби — худди шуларни ҳижон қиласди. Китобда биз эслаган кишилардан бошқалар ҳам бор. Шулардан Бинри — Антон тентак. У доимо «...арава гилдирагини ўйкотди» деган қўшиқни айттик юради. Бу қўшиқ ундан бошқаларга ҳам юлаиди. Бу қўшиқ китоб сўнгига оддийдини бир сўз бўлиб, ҳари хизматкор Тихонини оғзида чиқади. У уна-укахонлари орасида тирик қолган, қартайган Пётр билан рўбару ўтириб, уларнинг хонадонидан бутун бутун ўзвилиларни, хурун ҳодисаларни унинг юзига солади. Сўзи орасида «...арава гилдирагини ўйкотди», дейди.

Бу — оддий арава эмас. Горький

бу аравани беҳудага китоб ичидан олиб ўтгани ўй!

Бу — кўхна замонанинг араваси эди. Пётрлар мана шу «арава»нинг «гилдирагига ёпишдилар, гилдирак уларни учирб юборди, арава эса гилдирагидан жудо бўлди.

Пётрлар баҳдабат одамлар. Аммо, улар муни эгаси эдилар, улар баҳдабат эдилар ва улар бирорнинг кизини тортиб олишдан, бегуноч, бир болани ўлдиришдан, одамларни баҳдабат қилишдан тоймас эдилар.

Шаҳарлар сийнасидан осмонга кўтарилиган пага-пага тутун булутилари қуюқлаша борди. Нархона... корхона... Одам... одам... одам... Очлар кўп, юпунлар кўп, уйиз-жойисиз гарниблар кўп. Уларнинг кучли кўллари ишга зор, аммо иш этишимайди, корхона еттимайди... Улар нюча-кўйларда саннийдилар, майхоналарда, бозорларда саннийдилар, хароб бўлганлари учун ичадилар, ичич хасталанадилар, несту нобуд бўладилар... Уй топган, иш топганлар ҳам

шундагина улар ўзларини эркин ва соатдатли хис этадилар...

Горький мана шу — «арава» ўз «гилдирагига»ни йўқотаётган ва буткул йўқотиған даврни кўрди ва бу даврни ҳар нарсадан кўпроқ ёзди. Уша даврни Горькийчалик чуқур тушунгага ва Горькийчалик ненг, ачинга хотира қилиб, авлодларга ёзб қолдириган ҳеч бир одам ўзин. Тарихчилардан ҳам, рассомлардан ҳам кўпроқ буни Горький қолдириди.

#### Омон МУХТОРОВ

# ИНСОН мағрут жаранглайди

ГОРЬКИЙ ҲАҚИДА ҲИЛАР

Даҳшат! Горький кечаги кундаги шундай даҳшатли муни дунёсими кўрди ва бу дунё устидан, ўз тили билан айттага: «ялан юран билан, миҳлар ва шиша парчалири устидан юргандай...» юриб ўтишга мажбур бўлди.

Ер ва сувдан айрилган, очиқан, уст-боши ва обёклидаги увадалардан бўлак «мулни» колмаган дехқонлар шаҳарга гулас-гулас кела бошладилар. Шаҳарлар гу-

ҳётдан ёлчимайдилар. Очлар ва юпунликдан аччиқ аламларга тўлиб, усункаларни уриб синдирадилар... «Арава» бўлса, бетиним гиҳирлайди ва «гилдираги» билан одамларни янчич кетаверади. Бу шафқатсиз «арава»нинг одамлар ҳәти, уларнинг юраги ва ҳасратлари билан иши ўй. Бу — одамларни «хўрлади!.. Хўрланганилар кўзгалидилар, улар бутун курдатлари билан «арава»га ташланадилар, уни парчалайдилар ва «гилдираги»дан жудо қиласди.

Усмирлигимизда китоблардаги кишиларни «салаб» ва «иқобий» деб иккига бўлиб ташлардик. Бизни «хуунклардан жирнандик, загулярни севишига» ўргатган эдилар.

ухлаб олишишни, иккенин ҳам тоза чарчаган!..»

Қўйшининг қувноқ, ўйноқи шуздар дераузадан мўралади; она унга кўлни тутди, шульга йилтиргар унинг кўлини устига тушганди. Она ўйтан ва му僚им кулемисиганинг ҳолда, яна бир кўли билан унинг юмшоқини эркалатди.

Иккинчи гудок у қадар ўзиға ишоншиб атмагандай, қулоқ ва намли овози қалтирабор, сенкироқ қаҳиди. Онага у бугун ҳар күнгидан узоқроқ қичқигран каби туюлди.

Юларидаги қизил додлар билан, ёниб-кўйиб юргурганча Федя Мазин кириб келди.

Ҳаялон ва севинчига тўлиб мөттаглигидан, у интизорлик сиккитинин тарқатиб юборди.

— Башланди, — деди уа шу билан сўзга кириди. — Халиқ қимирлаб қолди! Кўчага чиқаётур, юзларига қарасант, ҳудди обйолтага ўхшайди. Весовниковнинг овози келар эди.

Мюлишининг нариги ёғида, торгина бир кўчада, юзтacha келадиган бир оломон тўдаси тўплланган ва унинг ичидан Весовниковнинг овози келар эди.

Одамларининг бошларига:

— Бизнинг қонимизни, ме-ванинг сувини олгандай, сўриб олмоқдалар — деган дагал сўзлар ёғилар берди:

— Тўғри!

— Уринаёт, азамат! — деди Андрей. — Кани мен ҳам бориб унга ёрдам берай!

У ёнганди ва Павелни тўхтатиб қолишига улгурмасдан турб, ўзининг новча ва ичам гавдасини, пўнка ботган пармача каби, оломон орасига жойлаб олди. Сўнгра унинг оҳангдор овози жаранглади:

— Ўртоқлар! Ер юзида ҳар хил халқлар — яхудилар, немислар, инглизлар, татарлар яшидай, дейшидай. Аммо мен бунга ишонмайман! Минг йил қайнасан ҳам қони қўшилмайтурган ёлгиз иккни ҳалқ, иккни ург бор — бойлар билан камбагаллар. Одам болалари ҳар хил кийиниб, ҳар хил гаплашадилар, аммо сиз француз, немис, инглиз бойларининг ишчи халқига қандай мумомала қўлганини кўрсангиз, биласизки, уларнинг ҳаммаси ҳам ишчилар учун — ўғрилардир, етти пуштига минг лаънат!

Оломон орасида аллаким кулиб қўйди.

— Энди нариги бицинини айлантириб кўрсан, биламизки, француэ ишчиси, татар ишчиси, турк ишчиси — ҳаммаси

ҳам бизга, рус ишчиларига ўхшаб ит куниди яшайдилар.

Қўча томондан борган сари одам ёғилар ва одамлар, жиммина бўйинларини чўзишиб, тоғонларини кўтаришиб, биринкетин тор кўчага тиқилар эдилар.

Андрей овозини қаттироқ чиқарди.

— Полиция! — деб қичқирди бирор.

Тўртта отлиқ полиция кўлларида қамчи ўйнатиб, тўппатурғи одамларининг устига от солиб, катта кўчадан тор кўчага кириб келдиларда:

— Тарқал! — деб қичқирдилар.

Одамлар чор-ночор отга йўл бериб, қовоқларини солдилар, баъзи бирорлари деворларга тирмашдилар.

Аллакимнинг жаранглагат, жангари овоз билан:

— Тўнғизларинг тагига от беришиб қўйиди, улар бўлса — «биз ҳам саркардамиз», деб хириллашини қўймайдил — деб қичқиргани эшилтида.

Чўлпон  
таржимаси.

# И Н С О Н

## мағрур

# жаранглайди

Уша даврлар Горький нитоблари биринчи бора мени ўзига тортиб кўиди. Улардан анчак-мунасини йўқидим. Горькийнинг тилга олинган ҳалиги романи, «Чўлда», «Коновалов», «Архил бобо ва Лёныка» сингари ҳикоялари, «Русия бўйлаб китобин жудалям яхши кўриб қолдим.

Бунга сабаб улар менинг тушунчамини ағдар-тўнтар қилиб юборди, мен эди жирканишдан кўпроқ нишиларнинг аччик қисматига ачинчила ўргандим.

Боялиғ Пётр Артамоновнинг пашоцлануб кетганига, одамларни бадбахт қилганига, ёнг аввало, уша «арава», уша чиркин ҳаёт гуноҳкор. Шунинг учун ҳам, биз бошда уша ҳаётдаги, сўнг эса Пётрдан нафратланамиз.

Пётр оғизига «қариндошлиги» бўлганд Фома Гордеевнинг эсланг. Горький шу одам номидаги нитобда «арава» билан «ғилдира»ни тилга олмайди, аммо бу ерда ҳам улар бор. Фома Пётр ва унинг уна-унахонларидан юз чандон поизародам, кўнгли тоза одам. У инсондай яшамоци бўлади, шунга иштилади ҳам. У пётрлардай ёвузлик чўиначида белмолади ҳадам босмайди, ҳатто бу кўчага кирмасликни тиришади. Аммо, бариби, Фома Гордеев ҳам баҳт топмайди. «Ғилдира» уни ҳам пачоқлади кетади...

Горький бундай нишиларнинг мали замонидаги қисматига ачиниб, бизни ачининча чорларнан, айтинг-чи, биз ўкувчилар, уларга қандай қилиб ачинчалимий!

Яхши нитобларни иносон фарзандига шафқат кўзи билан қарашга ўргатади. Инсондаги хуњунликларни кўрганда, уларнинг ҳолига кўпроқ ачинишга, эзгуликларни кўрганда иносон билан фархланишга ўргатади. Мусумонлардайди, инсонни «сен жаннатий!» ва «сен даҳаҳий!» деб икни томонга бўлиб ташлашларни инкор қиласкан.

Иносон фарзандига шафқат кўзи билан қараш — энг буюн туѓу. Максим Горькийнинг ўзи бу тўйгани чукур ҳис этмаса, ҳеч қачон: «Мен ҳамма одамларнинг бахти бўлишини истайман! — демас эди.

Баъзан биз, — ёш қаламашлар осрасида шундай сұхбат ўтади:

— Горькийнинг «Хўжайн» ҳижоясини ўқиганмисиз?

— Ҳа... Энди Горький жуда зўрда!

Бу — маълум гап. Масалан, «Горький нитобларида баъзан ошиқида куюн бўёқ ишлатишлар бор» дейилса бўлмасмади! Рус адабиёти буюклари ёзиш йўли билан, ҳаётга қарашлари билан бир-бирларнинг ҳеч ўхшамайдилар. Уларнинг ҳар бири ўзгача. Мана

шу нарсалар ҳақида баҳс очиша, «ишчанроқ» гап бўлармиди! Горький ҳақидағи ҳалиги гап аслида янгилик ҳам эмас, ҳарқалай «зўр» деб кўйгандан кўра, яхшироқ.

Горький пайгамбар эмас, ўзи кутарган ҳаётни юксалинадиги иносонлардан биридир. Унинг нитобларини яхши кўриб мафтун бўлиш ҳам, уларни ўрганиш ҳам гуноҳ эмас.

\* \* \*

Горький пайгамбар эмас. 1931 йил май ойида Горький Москвага келади ва Качалов нючка муюлишидаги икни қаватли ўйда умри охиригача — 1936 йилнинг кюнингача яшайди.

Бу хонадон эшигидан киришигиз билан у сизга кемани эслатади. Иккинчи қаватга кўтарилидаган зина бужур, совуқ мармар билан қопланган ва ранги ҳамда ғадир-бүрдурлари билан зангори дengiz тўлқинларини эслатади.

Горький денгиз ва тўлқинларни — замонини севандек севган ва улар ҳақида — замон ҳақида шоирона ёзгандиги, кўп ёзган...

...Аммо бу он, дengiz butун суви билан ҳам — юрагимдан сени сира юва олмайди,

— сингари шеърий сатрлар ҳам Горький нитобларидаги нишилар оғиздан чиқсада, бир вақтлар Горькийнинг ўз қўли билан ёзилган.

Ҳалиги уйни Горькийга топширган нишилар, у курсанди бўлиб кетади, деб ўйлаган бўлсалар, эхтимол. Аммо Горький бу ўйда яшашга яшагану, ҳеч қачон бу уйдан курсанди ҳам бўлмаган, бу ўйни унча ёқтираган ҳам. Балки бу совуқ кема, юнисин тўлқинлар, умуман нотабинийини ёмон кўрган ёзувчи одамларни фашига теккан. «Қандайдир келишмаган, хунон...» — дер экан Горький, «кема» ва «тўлқинлар»га қараб.

\* \* \*

Бўйи бир метру саксон сантиметр бўлган бу узун, қотма, серпай одам әрталади соат санкисдан кундуз соат иккига довур кичинча кабинетда, каттақон стол олдида ишлаб ўтиаркан. Унинг кабинетида бир-инни сурат ва турли-туман тошлардан ясалган кичинча ҳайкалчалардан бошида деглави ҳеч нарса бўлмаган. У каттақон столда ишланиш умуман хуши кўрган. Стол юзида бир даста қозос, сиёҳдан ва ручка, бир неча ранг-баранг қалам ва никосадай келадиган гулдор, чуқур кулдан бўлган. Горький ёзиб ўтиради, ёзгани ёймай қолса, дарробрига у варажни кундузда кўйдириб ташларкан. Ручка билан ёзар, ранг-баранг қаламлар билан эса тутизашларни.

Горький ўзи кўрган нишилар, одамларнинг феъл-этвори, турилтуман воқеаларни жуда яхши эслаган ва юнили қилиб ҳиноя қилиб бера олган. Бирор, ҳар қандай фактни эслашга ҳам қийналаверган. Қайси нитоби қайси йилда ўзилганини кўпична айтольмаган. Буни кўйинг, ҳаттони ўзи туғилган йилини ҳам эркин айтиб берриша қийналаган.

Унинг уйига кунда хат ёғиларнан. Узи «өлтмиш тўқиистагача» хат олган кунларим бор», деган экан.

Горький нюча-кўйда елкасини сал буниб, купинча кичкина, эски бир чомодади кўтариб юраркан. Галати табнати билан белопин заминда «қўлайини топиб» юролмаган ўхшаркан.

Горький ҳаҳрамонлари сув остидаги катта тошларга ўхшайдилар. Унинг ҳаҳрамонлари, умуман, ўз кундатлар билан фақат ергагина симгатланга, ер тубига оёй чизб, осмонга бошларни узатиб турганга ўхшайдилар. Горькийнинг ўзи ҳам худди шундай одам бўлган. Ҳаётпаст, ўта шоирона табиатдаги одам...

\* \* \*

Горький ўзини шеърга лаёнатсан деб билган ва бир умр ўз-ўзидан даҳа бўлиб юрган. Ленин у бир умр ҳар куни эрталади шеър ёзигб кўрган ва кўп шеърлари кул-донга тушган...

Горький шеър учунгина берилган буюн эхтиросни насрга содди. «Тошлар ҳам қўшиқ қуйлаётпти!» дейди Горький.

«Русия бўйлаб» нитобида «Танга» сарлавҳали ҳиноя бор. Ун уч ўшлардаги бир бола беҳаёт хотинлар даврасида ўз ҳасини, гузал иффатини ўйкотмаган ўтиз ўшлардаги бир авлии яхши кўриб қолади. Аммо худди шу аёл бир куни боланин нозик нунглини чўтиклини ўборади. Бир байрам куни маст-аласт меҳмонлар шу хизматкор болага янги ва эсни тангалар инъом килишиади. Бола ўша аёлни ўйлаганди учунгина меҳмонларнинг бу инъомларини олиш хўрлини эканлангини хис этади, уялади, қўлига ҳадоқ тошлар боисаётгандай бўлади. Аммо ўша аёлнинг ўзи ҳам келади-да, худди ўша меҳмонлардай, боланинг нафтига битта танга ташлаб кетади. Горький шу ўринда «катталиги йирик ёш томисидади келадиган тангани кафтимга босди...» дейди.

Бундай шоирона тила ва табнат Горькийнинг ҳамма нитобларида бор.

\* \* \*

Горький ўз даврини тўнис ёритолгани учун буюнди!

Горький инсонни ҳаёлйи бир юнсалини кўтариб олганни учун буюнди!

Горький инсон фарзандига шафқат кўзи билан қарашга ўргатгани учун буюнди!

Горький инсонни топни табнатида бир-инни сурат ва турли-туман тошлардан ясалган кичинча ҳайкалчалардан бошида деглави ҳеч нарса бўлмаган. У каттақон столда ишланиш умуман хуши кўрган. Стол юзида бир даста қозос, сиёҳдан ва ручка, бир неча ранг-баранг қалам ва никосадай келадиган гулдор, чуқур кулдан бўлган. Горький ёзиб ўтиради, ёзгани ёймай қолса, дарробрига у варажни кундузда кўйдириб ташларкан. Ручка билан ёзар, ранг-баранг қаламлар билан эса тутизашларни.

Горький ўзи кўрган нючкаларни кўпична айтольмаган. Максим Горькийнинг рус тилида ўтиз том нитоби бор. Узбек тилида, айрим-айрим чиққанларни айтмасак, яхлит ҳолда уч том нитоби бор. Бу нитобларда яхши таржималар ҳам, ўрта ва бўш таржималар ҳам учрайди. Горький нитобларини қандайдир ўзбек тилида ҳаммаси бўлиб, 1953 йилгача 61 МАРТА АЛОХИДА НАШР ЭТИЛДИ. БУ НИТОБАНИНГ УМУМИЙ ТИРАЖИ 537600 НУСХАГА ЕТАДИ. Максим Горькийнинг «Она» романни 7 марта, «Болалик» асари 6 марта, «Менинг университетларим», «Туннель» наби асарлари 4 марта нашр этилди.

## ГОРЬКИЙ ЎЗБЕКЛАР ХОНАДОНИДА

1. «Максим Горькийндан». «Маориф ва ўқитувчи» журнали, 1928, № 4, Қайсар Ҳикмат таржимаси.

2. «Мен қандай ўқидим». Тошкент-Боку, Ўздавнашр, 1931, 24 бет.

3. «Болалик». Тошкент, 1931, 238 бег. Қайта нашрлари: 1932, 1933, 1941.

4. «Рус подшоси олдида». Тошкент-Боку, 1931, 22 бет. Турсун таржимаси.

5. «Лочин қушиқ қўшиғи». Тошкент, 1931, 10 бет. Насрулло таржимаси.

6. «Агар душман таслим бўлмас, уни йўқотадилар». Т. Б., 1931, 16 бет.

7. «Тўқизинчи январъ». Т. Б., Ўзнашр, 1931. Қайта нашр: 1938, Сиддиқ Мирсаидов таржимаси.

8. «Илгаклар». Т. Б., 1931, 26 бет.

9. «Зарборд адабиётда». Т. Самарқанд, 1932.

10. «В. И. Ленин ҳақида». Т. Ўздавнашр, 1935, 56 бет. Қайта нашр: Тошкент, Ўздавнашр, 1940.

11. «Манар Чудра». Т. Б., 1932, 24 бет. Қайта нашр: Т. Б., 1939.

12. «Туннель». Т. Самарқанд, 1932. Қайта нашр: 1933, Амир Абдулла Қаҳхор таржимаси.

13. «Заводлар тарихи». Т. Б., Ўзнашр, 1932, 24 бет. Ҳамид Олимий таржимаси.

14. «Менинг дорилғуннурларим». С., 1933, 136 бет. Қайта нашр: 1937, Абдулла Қаҳхор таржимаси.

15. «Макалолар». Т. С., Ўздавнашр, 1933, Абдулла Қаҳхор таржимаси.

16. «Она». Т. Б., 1933, Чўлпон таржимаси. Қайта нашрлари: 1935, 1936, 1937, 1939, Абдулла Қаҳхор таржимаси: 1950, 1955.

17. «Артамоновлар иши». Т. С., 1935, 139 бет. Юсуф Тоҳирий ва И. Кисен таржимаси. Қайта нашр: 1941 йил, 368 бет. Ўздавнашр.

18. «Архил бобо ва Лёныка». Т., 1937, 30 бет. Қайта нашр: 1938.

19. «Асарлар» (3 томлик). I т. Т., 1958. (Макар Чудра), «Киз ва ўзим», «Иаэргил кампир», «Челкаш», «Лочин ҳақида қушиқ», «Коновалов», «26 ва бир киз», «Фома Гордеев», «Бўрон кушиқ ҳақида».

20. «Асарлар» (3 томлик). III т. Т., 1960. («Болалик», «Майданида», «Менинг университетларим», «Хўйхайни». Таржимолар: Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳхор, А. Мухтор, Ҳамид Гулом, Миртемир, М. Горький асарлари ўзбек тилида ҳаммаси бўлиб, 1953 йилгача 61 МАРТА АЛОХИДА НАШР ЭТИЛДИ. БУ НИТОБАНИНГ УМУМИЙ ТИРАЖИ 537600 НУСХАГА ЕТАДИ.

Максим Горькийнинг «Она» романни 7 марта, «Болалик» асари 6 марта, «Менинг университетларим», «Туннель» наби асарлари 4 марта нашр этилди.



# Менинг бахтим

## Севги ҳақида

(Ярми ҳазал, ярми чин)

Бир кун шеър ўқисам севги ҳақида  
Бир кекса хокими ёқибди бу гап.  
Таъби тириқ булиб, энсанси қотиб,  
Ённагиларга сўзлабди туtab:

«— Еши фалон ерга бориб қолгану,  
Яна, ишқи ҳақида шеър ўқир шоир!  
Ҳа, нима, дунёда байт қуриғанима  
Дурустроқ, супороқ мавзуга доир?!

Ҳа, ахир, суюлмай, ёшига қараф  
Шеър ўқисин да, ўқиса! — демиси.  
Унинг назаридаги ишқий шеърни  
Ёш-яланг ўқиса ярасаш эмиш.

Хўш, севги ҳақида ўқиган шеърим,  
Нега, эдди, газаб қўзғалиб унда?  
Фалон ёшдан фалон ёшгача севиш  
Мумкин деб, айтилган юйини қонунда?!

Севги кексанги ҳам, ёшини ҳам бирдек  
Сеҳрлаб, дочинга тортади, дерлар.  
Ёши ўтган сайнин инсон қабида  
Севигига иштиёқ орталди, дерлар.

Барчага баробар асл муҳаббат,  
Севги қарамайди ёшу қарига.  
Ҳаммага ҳам бирдад йўл очиқ, ахир,  
Эзгу муҳаббатнинг гулшанларига.

Ахир, айтишган ку ҳамма ёшдаги  
Одам ҳам севигига асир бўлар, деб.  
Севги юксалтигар покизса руҳни,  
Севиги пок юркка қимматмайдо зеб!

Шуни билиб қўйсни, муҳтарам хоним,  
Онти ичиб айтаман севги номига:  
Кези келтанида ёш ҳам, қари ҳам  
Баравар илингиз севиги домига.

Борингиги, бунга ҳам кўнгасас агар,  
Бошига бир вакт айтай шеъримни ёқлаб:  
Қанча ёзган бўлсан севги ҳақида,  
Ездан шоир деган номимни оқлаб.

Шоир шоир ёмес пок муҳаббатни  
Таранинн қиласаси булбулдай сафраб.  
Дувёнинг қизиги қоларнида, айт,  
Севиги бўstonнида юрмасанни яйраб.

Камида ёш-ялан: ошиқлар учун  
Хизмат қилиб берсан, нима, чаккими?  
Менга раҳмат айтниң ўринига хоним,  
Холис хизмат учун яна даккими?

Мен бир таржимоним — йигитлар қалбни  
Қизларга таржима қилиб бераман.  
Қизларнинг кўнглида нима борлигин  
Бўзбалаларга ҳам билиб бераман.

Агар гўзалларга термулса кўзим,  
Мен ёмас, ёшларнинг кўзи деб билинг.  
Агар мен севидан сўса очақолсанам,  
Ошиқ йигитларнинг ёзин деб билинг.

Мен ҳақиқий ошиқ — айнимайдиган,  
Ишқ таросинин баланд авжиман.  
То тилим сўзлашга қодир эканини  
Муқаддас севгини улуғловчиман!

Нима деси десин, хоним, доимо  
Севги тулшанини қиласам тавоғ.  
Севги қўшишенини кўйлаб умрбод  
Ошиқларга хизмат қилишлик савоб.

**ШЕРГИЯТ**  
**ШАЙДОЛАРИГА**

## Табиат қонуни

Табиат қонуни шунақа, хоним,  
Ёш ўтиб, чехрангдан латофат ўчмиш.  
Аммо, йўқотдим деб қайғурма, ҳуснинг  
Гулчехра қизининг юзига кўчмиш.

## Инсон умри

Гарчи тугилишин билмаса ҳамки,  
Узинини, шаксиз, билади инсон.  
Умр берилмайди хоҳига қараб,  
Борниа қаноат қиласи инсон.

Бошқа иложи ҳам бормиди унинг,  
Ажалнинг кўлида бутун иктибер.  
Ва лекин оз муддат япаса ҳамки,  
Инсон инсонлиги билан баҳтаёт.

Агар солиширсанг қузгуни умрига,  
Шаксиз, из инсонга берилган умр.  
Аммо, жаҳон қадар зулматдан афзал  
Оламини бирлаҳза ёритолган нур.

Ҳа, инсон умрингин бирлаҳзаси ҳам  
Йоз қузгуни умридан афзал, мўътабар.  
Умр умр қўшиян олам умрига.  
Умр умр эмас, ўтса бесамар.

Инсон меҳнат билан заберб ерга,  
Она табиатни бойнайт дейди.  
Моддий ва маънавий бойник яратиб,  
Ендиған ионкини ҳалоллаб ейди.

Келажакни ўйлаб, ширин орзулар,  
Умид, мақсад билан яшайди башар.  
Канчи узоқ умр кўрмасин қузгуни,  
Фақат ўлакса еб, фойдасиз яшар.

Инсон ўз идрока, дахона билан  
Юлдузларга қадар кўттаролди қад.  
Кузгуни инсабатан оз яшаса ҳам  
Инсон ўз умридан мамниндири беҳад.

## Музика

Дуторнинг жарангти, пайтинг ноласи,  
Дағонинг «бакбака»си, танбур хонини,  
Жонғизо кўйларни ўзиги чалтанди  
Ҳассос созандигинг эриб, ённиш,—

Қалбинни лардага келтирип ҳар тал.  
Ҳаяжон зўридан тушаман терга!  
Музика қуони менни бир хаасек  
Гоҳ қўкка учирап, гоҳ ташлар ерга!

Назаримда, позик қиллар товшини  
Бир кун эшишимас — яшашни қийин.  
Ҳар кун музиканини эшипит аввал,  
Бошиқа ишларнинг қиласамат кейин...

Музика — бойлиги башариятнинг,  
Асрлар қалбининг садосидир соз!  
Барча ҳалқ сози ҳам сеҳрҳа тұла,  
Барча ҳалқ сози ҳам мен учун мұмтоз!

Менг лаззат берар Шашмақом, ялла,  
Түйін ҳоғис куйи, Чайковский, Бах.  
Музиканинг сөхри, созининг оташи  
Қалбингин эрттар бўлса ҳамки ях!

Назаримда, қулоқ солғанимда соз  
Мени жаниятсизмон бир бокса бошлар.  
Созининг қудрати зўр: гоҳ ўйлантирап,  
Гоҳ куладирап, гоҳи қўзингни ёшлар.

Илҳом бағишлайди шинавандага  
Саҳарда узоқдан чалингандай най,  
Булбулин чаманда шармисор этиб,  
Танбур сайрагандай тингла, ўргилай!

Минг дардга давомиш соз садосидан  
Баҳрамайди юзларда ўйнаган ҳацда.  
Ассо маҳрум этма мени созингиман,  
Қўлини дард кўрмагур ҳассос созанди!

**УИҒУН,**  
Ўзбекистон ҳалқ шоир,  
Ҳамза мукофотининг лауреати.

## Хазиначи

Мени гапга солма, вақтимни олма,  
Бошимда борини ёзиб қолайни.  
Ақлимини, хиссимини ва илҳомимни  
Имкони борича ишга солайни.

Бошимдаги гавҳар, қалбимдаги дур  
Барни ҳалқимини, ҳалқимини мулки.  
Бирори гавҳарни яшириб қолиб,  
Яна эл олдида бўлмайни кулки.

Ҳаққим ўйқ биронта гавҳарни, дурни  
Яшириб қолинга ҳалқи бермасдан.  
Езимасдан колса биронга шеър  
Дейишар хиёнат қилибди қастдан.

Бошимда неки бор, қалбимда не бор  
Ҳалқини, — мен фақат хазиначиман.  
Мен фақат боғбонман, ҳалқи мансубиди  
Шеърият боғида гуллаган чаман.

## Мен учун шу баҳт

Ташлаб кетаман деб қўрқитма, — менга  
Бир фикр ҳамиши берур тасалло:  
Ўзинг мени ташлаб кеттагинда ҳам,  
Ишқинг юрагимдан кетмайт асло.

Қанча уримагил, барни фойдасиз,  
Олиб кетолмайсан ишқини ҳеч вақт.  
Ўзинг кетарсану, севигига мен билан  
Умрбод қолади — мен учун шу баҳт.

## Ҳаётни севганлар

Ога-боболарим севишиб келган,  
Набираларининг ҳам севиши аниқ.  
Мен нега севигида маҳрум бўлайни?  
Севиги оташидан юрагим ёниқ.

Шу олоп эмасми мени қаритмай,  
Севиги қўшиганинг оғизим соглатаги?  
Севиги қўшиқларни тутамас ҳеч вақт,  
Севиги мерос бўлиб азалдан қолган.

О, агар шу тотли севиги бўлmasa,  
Ҳаётимдан маъни кетган бўларди.  
Агар жудо бўлсан мұхаббатидан,  
Умрим куз гулайдар дарҳол сўларди.

Ошиқлар яккалаб қўйишмас мени,  
Қўшиқлар мен автаган тўғри фикрга.  
Ҳаётни севганлар мени тушувар,  
Ҳаётни севганлар мени билан бирга.

Севиги водийсига бошлайни сизни,  
Севиги водийсигини боғларни сўлим.  
Севиги қўшиқларни давом этади,  
Бу қўшиганинг фақат тўхтагар ўлми.



